2006 ЙИЛ, 23 ИЮНЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 120 (10.677)

Баҳоси эркин нархда

ХАМКОРЛИК ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИК АСОСИДА РИВОЖЛАНМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 22 ИЮНЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ҚУВАЙТ АРАБ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ БОШ ДИРЕКТОРИ АБДУЛВАҲОБ АҲМАД АЛ-БАДЕРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланаётгани ва икки томон учун ҳам манфаат келтираётгани бизга мамнуният бағишлайди, – деди Ислом Каримов.

Кувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ривожланаётган араб давлатларига молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1961 йилда ташкил этилган. Кейинги даврда мазкур жамғарма Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари билан саъмоявий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтирди.

Мамлакатимиз билан жамғарма ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворига Президент Ислом Қаримовнинг 2004 йилда Кувайтга расмий ташрифи давомида асос солинган. Ташриф чоғида Ўзбекистон ҳукумати билан Кувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган эди.

Қайд этиш керакки, аслида мазкур жамғарма билан ҳамкорлик анча илгари йўлга қўйилган. 1997 йилда ушбу жамғарма Нукус ва Урганч шаҳарларини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш учун қарийб 20 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган эди.

Бугунги кунга қадар жамғарма томонидан Ўзбекистондаги лойиҳалар ижроси учун ажратилган маблағ миқдори 60 миллион АҚШ долларидан ошди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан Кувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

ПРЕЗИДЕНТ МИНСККА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 июнь куни Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига (ЕврАзЭС)га аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун Беларусь пойтахти Минск шаҳрига жўнаб кетди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистлар билан суҳбатлашди.

—Ҳар қандай ташкилотга аъзо бўлишдан олдин унинг халққа, давлатга қандай нафи тегишини ҳисобга олиш зарур, — деди Президентимиз. — Ўзбекистон ЕврАзЭСга аъзо бўлишдан қандай манфаат кўради? Бу саволга жавобни ташкилотнинг номидан топса бўлади. Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти. Демак, биз бу ташкилот доирасидаги ҳамкорликдан биринчи навбатда иқтисодий манфаат кўришимиз керак.

Давлатимиз раҳбари ташкилот олдида турган асосий масалалар ҳақида тўхталар экан, аъзо давлатлар ўртасида савдо-сотиқни янада ривожлантириш, иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш, сармоялар бозорини ташкил қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Минтақада божхона иттифоқини тузиш масаласини ниҳоясига етказиш ҳам долзарб вазифалардан эканлигини қайд этди.

ЕврАзЭСга аъзо давлатлар раҳбарларининг Минск учрашувида интеграцияни ривожлантиришга, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилиши режалаштирилган.

Ф.АРЗИЕВ,
ЎзА мухбири

АФГОНИСТОН ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МАМЛАКАТИМИЗДА

АФҒОНИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТИ СЕНАТИНИНГ РАИСИ СЕБГАТУЛЛА МЎЖАДЕДДИЙ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ РАИСИ ИЛГИЗАР СОБИРОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Суҳбат чоғида ўзаро алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосий омил бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Жамиятда демократия тамойилларини мустаҳкамлашда, ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришда парламент фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг икки палатали парламент тизимига ўтгани ҳокимият органларини янги давр шароитига мослаштириш, демократиянинг умумэътироф этилган тамойилларига мувофиқ равишда такомиллаштириш ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги дадил қадам бўлди.

Меҳмон афғон парламентарийлари Ўзбекистондаги парламент ислоҳотларини, янгиланиш ва ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб келаётганини, бу борада ўрганиш керак бўлган жиҳатлари кўп эканини таъкидлади. Томонлар ўзаро мулоқотлар изчиллигини таъминлашга келишиб олдилар.

Афғонистонда узоқ йиллик фуқаролар уруши туфайли барча соҳаларда инфратузилма бутунлай издан чиққан эди. Айни пайтда мамлакат халқаро ҳамжамият, жумладан, Ўзбекистон кўмаги билан тикланиш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан мулоқотда ҳам икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш ва фаоллаштириш борасида фикр алмашилди.

— Икки палатали парламент тизими Ўзбекистоннинг халқаро майдонда ортиб бораётган нуфузини, юртингизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқаро андоза ва талабларга нечоғли ҳамоҳанг эканини яна бир намоён қилди, – деди С.Мўжаддедий.

Учрашувда парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Делегация аъзолари Ўзбекистоннинг янги парламент тизими фаолияти билан яқиндан танишдилар.

ЎзА

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида Яккасарой туманида яшовчи меҳрга ташна болажонлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари Тошкент ҳайвонот боғига экскурсия уюштиришди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги «Оқ уй», «Файзиобод», «Билимдон» маҳаллалари ёшлари иштирокида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Кўчма оммавий спорт ўйинлари» тадбири уюштирилди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактаб қошида фаолият юритаётган «Салом» оромгоҳида туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими, туман ИИБ, туман ўқувчилар ижодиёти уйи, туман ҳокимлиги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида тарбиячилар, ёшлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Гиёвандликка йўл йўқ» деб номланди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар





Истиқлол умидлари—2006

КАТТА ҲАЁТГА ҚАДАМ ҚЎЯДИЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТУК ВА БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛАЁТГАНИ БАРЧАМИЗГА АЁН. МАНА, АЙНИ КУНЛАРДА МАКТАБЛАРНИНГ 11-СИНФИНИ БИТИРАЁТГАН ЁШЛАР КАТТА ОРЗУ МАҚСАДЛАР ОҒУШИДАЛАР.

Маълумки, ҳар йили пойтахтимизда умумтаълим мактабларини муваффақиятли битириб, катта ҳаётга қадам қўяётган ёшларни қутлаш мақсадида «Истиқлол умидлари» битирувчиларнинг байрам тадбири ўтказиб келинмоқда.

Бугун ушбу анъанага мувофиқ пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг соғломлаштириш маркази стадионида «Истиқлол умидлари — 2006» битирувчи ёшларнинг байрам тадбири бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси «Камолот» ЁИҲ ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур байрам тадбирида вазирликлар, халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар ҳокимлиги вакиллари, ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилар иштирок этадилар. Байрам дастуридан аълочи битирувчиларнинг мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан биргаликдаги чиқишлари, фахрий ўқитувчилар, республика «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари ғолибларининг чиқишлари ўрин олган. Шунингдек, эл севган санъаткорлар, эстрада юлдузлари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан битирув кечасида иштирок этадилар. Битирувчилар байрам тадбирининг ниҳоятда мазмунли ва эсда қоларли ўтишида ташкилотчилар «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Тошшаҳарнур», «Тошкент гуллари» каби ташкилотлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ёшлар — келажагимиз

АЙНИ КУНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛМОҚДА. КУНИ КЕЧА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲОВЛИСИ ЎҚИТУВЧИ-ПРОФЕССОРЛАР, БИТИРУВЧИ ТАЛАБАЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР БИЛАН ГАВЖУМ БЎЛДИ. БИТИРУВЧИ ЁШЛАРНИНГ ЧЕҲРАЛАРИДА ЧЕКСИЗ ҚУВОНЧ, МАМНУНЛИК АКС ЭТИБ ТУРАРДИ. ЧУНКИ УЛАР БУГУН ҚЎЛЛАРИГА ДИПЛОМ ОЛАДИЛАР....



БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Тантанали маросимда Тошкент Тиббиёт академиясининг ректори академик Шавкат Каримов сўзга чиқиб, аввало Президентимиз ташаббуси билан мазкур академиянинг ташкил этилганлигини фахр билан сўзлаб, бу йил ушбу ўқув масканини битирувчи илк қалдирғочлари учирма бўлаётганлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, битирувчи ёшларга омадлар тилаган ҳолда келгусида олган билимларини амалда намоён этиб халқимиз саломатлигини сақлашда муносиб ҳисса қўшишларига тилак билдирди. Шундан сўнг академиянинг магистр ва бакалавр йўналиши бўйича битирувчиларга тантанали равишда дипломлар топширилди.

— Бугун академиянинг 203 нафар битирувчиси 43 та мутахассислик бўйича магистрлик дипломларини олдилар. Шунингдек 973 нафар битирувчиларга бакалавр дипломлари топширилди, — дейди Тошкент Тиббиёт академиясининг тиббий профилактика факультети декани Омон Миртозаев.— Булар умумий амалиёт шифокорлари, тиббий педагогика, тиббий профилактика, стоматология ва олий маълумотли ҳамшира йўналишлари бўйича битирувчилардир. Битирувчилар орасида давлат гранти асосида ўқишни тамомлаганлар давлат тақсимоти асосида республикамизнинг барча вилоят ва туманларига юборилади. Шунингдек, контракт тўлови асосида ўқиганлар ҳам республикамиздаги тиббиёт муассасаларига бориб ишлаш учун йўлланма олишди.

(Давоми 2-бетда)

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **20-22 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар «Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Монреал, 1997 йил 17 сентябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари билан танишишди.**

● **Кувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси бош директори Абдулваҳоб Аҳмад ал-Бадер раҳбарлигидаги делегация кеча мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида музокаралар ўтказди.**

● **Навоий шаҳридаги «Ишлаб чиқариш корхоналари бошқармаси» акциядорлик жамияти ҳузурида иш бошлаган ғишт заводи қисқа вақт ичида ўз харидорларини топди. Замонавий технология ўрнатилгач, кунига 60 минг донагача ғишт ишлаб чиқариш имкони туғилди. Натижада 200 га яқин янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда бетон-плита, керамзит, асфальт, шлакоблок каби 50 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари ҳам тайёрланмоқда.**

● **Андижон шаҳридаги Навоий номли маданият ва истироҳат боғининг ёзги майдончасида «Мафтункор ранглар олами» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Республика ногиронлар жамияти вилоят бўлими томонидан ташкил этилган ушбу танловда шаҳар ва туман босқичларида ғалаба қозонган 44 нафар иштирокчи ўзаро куч синашди.**

● **Тошкентдаги Киночилар уйида жойлашган кино музейида Грузия киноси ҳафталиги бошланди. Тадбирга Грузиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ўз киночиларининг энг яхши тасмаларини тақдим этди. Кино ҳафталиги доирасида ўз суратларида Грузия ва унинг халқига бўлган муҳаббатини кўрсата олган ҳамюртимиз Умида Аҳмедованинг фотокўргазмаси ҳам намойиш этилди.**

● **Қаторасига бешта ғалабани қўлга киритган Тошкентнинг ногирон-ампутантлар «Байнал-Минал» футбол жамоаси Россия ногиронлар уюшмаси кубоги учун ўтказилган халқаро турнирда бош совриннинг соҳиби бўлди.**

● **Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрининг энг йирик турар жой даҳасида хусусий тадбиркор Олимжон Дадаевнинг саъй-ҳаракатлари билан «Афросиёб» универсал гузари қуриб битказилди. «Афросиёб» мажмуасига супермаркет, «Буратино» болалар қаҳвахонаси, сартарошхона, дорихона, канцелярия маҳсулотлари дўкони, гўшт дўкони, салқин ичимликлар нуқтаси ва бошқа маиший-савдо хизмат кўрсатиш объектлари киради. Таъкидлаш керакки, комплексни бунёд этиш учун 8 ойлик муддат кифоя бўлди.**

● **Вьетнам пойтахти Ханой шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашган юртимиз боксчилари Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди. Чарм қўлқоп усталаримиз чемпионатда иккита олтин, бешта кумуш, иккита бронза медалларини қўлга киритдилар.**

ЖАҲОНДА

● **Ирокда жангарилар давлат корхоналарида ишлайдиган 80 нафардан ортиқ одамни гаровга олишди. Маълумотларга кўра Абу Мусаб аз-Заркавийнинг ўлдирилиши мамлакатда юқоридаги каби оммавий гаровга олишларга сабаб бўлмоқда.**

● **Кеча АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Венгрияга ташрифи бошланди.**

● **Иорданияда Нобель мукофоти совриндорлари иштирокида халқаро конференция бўлиб ўтмоқда. Иордания қиролининг шахсий таклифига биноан конференцияга Исроил Бош вазири Эҳуд Ольмерт ҳамда Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббослар ҳам келишди. Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбирда илк бор Ольмерт ва Аббос хайрихоҳлик билан қучоқлашиб кўришишди.**

● **Ватиканда Рим Папаси Бенедикт XVI 76 ёшли Тарчизио Бертонини кардинал вазифасига тайинлади.**

● **Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Халқаро олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге 2014 йилги қишки олимпиада ўйинларини қабул қилишга номзод бўлган учта шаҳар номини эълон қилди. Улар орасида Сочи шаҳри ҳам бор. Олимпиадани қабул қилувчи ягона шаҳарнинг номи яна бир йилдан сўнг маълум бўлади.**

● **Австрия пойтахти Вена шаҳрида Европа Иттифоқи етакчиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда АҚШ Президенти Жорж Буш ҳам қатнашиб, музокаралардан сўнг Американинг Гуантанамодаги қамоқхонасининг ёпилиши тўғрисида баёнот берди. Бу ерда ҳеч бир айблов эълон қилинмасдан бир неча юзлаб маҳбуслар тўрт йилдан буён ушлаб турилган бўлиб, Бушнинг сўзларига қарағанда, эндиликда маҳбусларнинг кўпчилиги Америка судларига топширилади, қолганлари ўз ватанларига қайтарилади.**

● **Ҳиндистоннинг йирик шаҳарларидан бири — Мумбай (собиқ Бомбей)да қиймати 5 миллиард долларга тенг бўлган метро қурилиши ишларини амалга оширишга киришилди. 146 километр узунликка эга бўладиган бу метро йўли 2010 йилга келиб фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда.**

Тошкент шаҳар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилишида жорий йилнинг ўтган даврида Чилонзор, Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур ва Ҳамза туманлари ҳудудий комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама этилди.

Фармон ва ижро

ҲАР ТОМОНЛАМА МАСЪУЛИЯТ ДАРКОР

Маълум бўлишича, қайд этилган туманларда айрим назорат органлари томонидан текширишларни режалаштиришда таҳлил ишлари етарли даражада олиб борилмаган. Ҳусусан, корхоналарни танлаш, режа-жадвал лойиҳаларини шакллантириш борасида баъзи муҳим масалалар эътибордан четда қолган.

Ўз навбатида, айрим туман ҳудудий комиссиялари фаолиятида ҳам ишга масъулиятсиз ёндошувлар кузатилган.

Жумладан, Шайхонтоҳур тумани ҳудудий комиссияси томонидан тегишли Фармон ижросини таъминлаш борасида тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмаган, ўқув семинарлари ташкил этилмаган. Аниқланишича, шу туман ҳамда Мирзо Улуғбек тумани Ёнғин хавфсизлиги бошқармалари бўйича ўтган 2005 йил давомидаги барча текширувлар жараёнида текширувга тушган субъектлар рақбарларига асословчи ҳужжатлар тақдим этилмаган. Бундан ташқари, текширувларни рўйхатга олиш китобини талабга мувофиқ тўлдирмаслик ҳолатлари юзага келган.

Худди шундай камчиликлар шаҳар Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан «Вита» ва «Строй-индустрия» қўшма корхоналари ҳамда «2505-автожамлама» акциядорлик жамиятини текшириш пайтида, шунингдек шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси фаолиятида ҳам кузатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда йўл қўйилган хато ва камчиликлар бўйича тегишли назорат органлари раҳбарлари қаттиқ огоҳлантирилди.

Шуларни инобатга олган ҳолда барча комиссия раисларига хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларга йўл қўймаслик, ноқонуний текширувларни ўтказмаслик юзасидан қатъий чоралар кўриш лозимлиги яна бир бор уқтириб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда текширувларни режалаштириш ва уларни ўтказиш пайтида қонунчилик ва меъёрий талабларга риоя этиш текширувларни имкон қадар янада қисқартириш, профилактика-тарғибот ишларини кучайтириш орқали бу борада тадбиркорлик субъектларида йўл қўйилиши эҳтимоли бўлган камчиликларнинг олдини олиш, кенг кўламда тадбиркорлар ва назорат органлари вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиб бориш, қилинаётган ишларни оммага етказиш мақсадида газета, телевидение ва радио, ахборот агентликлари имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш кун тартибига кўра шаҳар Молия бош бошқармаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиқларининг юқорида қайд этилган Фармон ижросини таъминлаш борасидаги қилинган ишлар юзасидан ахборотлари ҳам тингланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси қошида татбиқ этилган «Ишонч телефон»лари ўзига хос самара бермоқда. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар, кичик ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, бевосита корхона раҳбарлари «Ишонч телефон»лари орқали турли масалалар бўйича мурожаат этишади ва ҳар бир аниқ вазият тезкорлик билан жойига чиқиб ўрганилади. Фурсатдан фойдаланиб, тадбиркорлик субъектларига нисбатан йўл қўйилаётган ноқонуний ҳаракатлар бўйича шаҳар ҳудудий комиссияси таркибидаги назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг бўлими ҳузурида доимий равишда ишлаб турган 133-15-92, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73 рақамли «Ишонч телефон»ларига мурожаат этиш мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

Зафар ҲОШИМЖОНОВ,
Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси раиси ўринбосари

Футбол

БРАЗИЛИЯНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

КЕЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ E ВА F ГУРУҲЛАРИДА БИР НЕЧТА ҚИЗИҚАРЛИ СЎНГГИ ТУР УЧРАШУВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Дастлаб майдонга шу пайтгача вазият жуда чалкаш бўлган E гуруҳидан ўрин олган тўрт жамоа тушди. Бунда ҳар иккала ўйин ҳам нимчорак финалга чиқувчи жамоаларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга эди.

Шундай қилиб Чехия—Италия учрашувида чехларнинг тақдири ҳал бўлиши аниқ эди. Зеро, битта ғалабага эришиб, қутилмаганда ғаналикларга ўйинни бой берган чех футболчилари учун мазкур учрашувда ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди. Иккинчи томондан чехларнинг деярли барча ҳужумчиларининг жароҳат олганлиги аҳволни қийинлаштирарди.

Ҳар ҳолда Чехия футболчилари ўйинни ҳужумкор рухда бошлашди. Бироқ тез орада қизиқ воқеа рўй берди. Жароҳат олганлиги сабабли Италия термасининг етакчи ўйинчиларидан бири А.Нестанинг ўрнига тушган ҳимоячи Марко Материаццининг омади чопиб қолди. Бурчакдан чиқарилган тўпни ушбу бўйи 1 метру 93 сантиметр бўлган футболчи боши билан дарвозага аниқ йўллаган ҳолда 26-дақиқада ҳисобни очди.

Чехия футболчилари жуда бўлмаганда дуранг натижага эришиш учун кўп ҳаракат қилишди. Битта ўйинчилари «қизил» карточка олганлигига қарамай иккинчи бўлимда бир нечта хавфли вазиятларни вужудга келтиришди. Бироқ футболда «сен урмасанг, сенинг дарвозангга гол киритишади», деган гап бор. 87-дақиқада Филип Индзаги (Италия) майдон марказида тўпни қабул қилиб олган ҳолда катта тезлик билан рақиблар жарима майдончасига кириб келди ва Пётр Чехни алдаб ўтиб, оҳиста, лекин аниқ зарба билан иккинчи тўпни киритиб, Чехия футболчиларининг бутун умидларини пучга чиқарди.

2:0 ҳисобида ғалаба қозонган италияликлар юз фоизлик натижа билан кейинги босқичга йўлланма олишди.

Гана ва АҚШ терма жамоалари ўртасидаги учрашув эса гуруҳда иккинчи ўрин соҳибини аниқлаши лозим эди. Ушбу имконият кўпроқ ганалик футболчиларда мавжуд бўлиб, олдинги ўйинда шовшувли натижага эришган Африка қитъаси вакиллари яна чиройли ўйин ва ғалабага бўлган улкан интилишни намоён этишди. Таъкидлаш жоизки, ушбу ўйин тақдири биринчи бўлимнинг ўзидаёқ ҳал бўлди. 22-дақиқада Гана жамоаси ҳужумчиси Драмани рақиблар термаси сардори Рейнадан тўпни олиб қўйган ҳолда жарима майдончасига ёриб кириб, ҳисобни очди.

43-дақиқада рақиб ҳимоячиларининг хатосидан унумли фойдаланган Демпси (АҚШ)нинг кучли зарбасидан сўнг тўп дарвоза тўрига тушди — 1:1.

Биринчи бўлимнинг қўшимча вақтида белгиланган 11 метрлик жарима тўпини қойилмақом қилиб бажарган Гана термаси сардори Аппиа ҳисобни 2:1 га етказди. Иккинчи бўлимда жамоалар қанчалик ҳаракат қилишмасин ҳисоб ўзгармади.

Уч турдан сўнг олти очко жамғарган Гана термаси нимчорак финалга йўлланма олди. Ушбу босқичда у Бразилия терма жамоаси билан куч синашади.

F гуруҳида эса Бразилия ва Япония терма жамоалари ўзаро куч синашишди. Учрашувнинг 34-дақиқасида япониялик Тамада ҳисобни очган бўлса-да Роналдонинг 46-дақиқадаги тўпи дуранг натижани юзага келтирди. Иккинчи бўлим тўлалигича бразилияликлар устунлигида ўтди. 53-дақиқада Жулиньо (Бразилия) ҳисобни оширган бўлса, орадан тўрт дақиқа ўтгач Жильберту ўз терма жамоасининг учинчи тўпини киритди. Учрашувдаги сўнгги нуқтани ажойиб ўйин кўрсатган Роналдо қўйди. Бразилия термаси шу тариқа 4:1 ҳисобидаги ғалабага эришган бўлса, Роналдо жаҳон чемпионатларида киритган тўплари сонини 14 тага етказиб, Г.Мюллер (ГФР) рекордини такрорлашга муваффақ бўлди.

Хорватия — Австралия учрашувида эса хорватиялик Срна 2-дақиқада ҳисобни очган, 1:0, 2:1 ҳисобида хорватлар олдинда борган бўлсаларда, охир-оқибатда ўйинда 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди. Шу тариқа Австралия термаси 4 очко жамғариб, гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаган ҳолда «плей-офф»га йўлланмани қўлга киритди.

Бугун G ва H гуруҳларида сўнгги ўйинлар ўтказилиб, учинчи турга якун ясалади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Ўз-ўз ўзидан ақлий доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ТАКАББУРЛИК ОҚИБАТИ

Баъзи кишилар такаббурликни ўзига касб қилиб олишади. Хўш, такаббурликдан кишига бирор манфаат етадими? Аксинча, такаббур одам ўзининг ширин ҳаётини аччиққа айлантиради, обрў-эътиборини кўкка совуради.

Такаббурликдан юзланадиган зарарлар қандай? Такаббур ўзи учун ўзи душманлик туғдиради, одамларнинг ўзига нисбатан бўлган ҳурмат, эҳтирос, муҳаббат ва улфатлигини қирқади. Ўзига нисбатан ҳурмат ва мулойимлик кўрсатувчиларга ҳақорат назари билан қараб, сўзда ва феълда озор етказади, кўнглини оғритади. Натижада одамлар ундан қочадиган бўлиб қолади.

МЕҲМОННИНГ ФАЗИЛАТИ

Донишмандлар ёзиб қолдирган китобларда: «Меҳмон ўз ихтиёри билан келади, кетишда эса уйдаги қайғу-ғамларни ювиб кетади», дейилади. Ҳақиқатан ҳам меҳмон келган уйда баланд руҳ, шоду хуррамлик бўлади.

Кишининг саховат ва ҳиммати меҳмоннавозликда билинади.

Ҳикоят. Бир доно қария анчадан буён кўришмаган бир танишининг уйига бориб, ҳол-аҳволини сўраб, бир оз чақчақлашиб кетмоқчи бўлди. Эшикдан чиққан дўсти у билан кўришаркан ичкарига таклиф қилиш ўрнига, «хўш», деди.

Қария унинг муомаласидан ўзини йўқотиб қўйиб:

—Биродар, анчадан буён кўришмадик. Бизникига бир борсанг, бир отамлашсак,—деди.

Сўнг тугундаги майда-чуйдаларни унга узатиб:

—Мана буни невараларингга бериб қўй!—деди-да, ортига қайтди.

ҲИКМАТЛАР

●Дунё сафоси билан, дўст вафоси билан гўзал.

●Нодонга насиҳат қилсанг бир қулоғингдан кириб, иккинчи қулоғидан чиқиб кетади.

●Энг оғир дард—нодонлик, энг кучли хасталик пасткашликдир.

●Ҳар қандай яра тузалади, аммо виждон ярасига даво йўқ.

●Ҳалол меҳнат билан топилган ва хайрли ишларга сарф қилинган бойликдан яхшироқ бойлик йўқ.

●Манфур одамнинг ёрдамидан, хасис одамнинг дўстлигидан фойда йўқ.

●Ёмон одамнинг яхшилиги—зиён бермай туришидир.

●Аҳмоқ одам ўзиникини омонатга қўйиб, бировдан омонатга сўрайди.

●Ҳар кимки ўз оғзининг қоровули бўлса, нафаси бўғилмайди.

●Тил тинч бўлса, дилда ўкинч бўлмайди.

«ҚОНУНИ ҲИКМАТ» КИТОБИДАН

Кайковус насиҳати: «Ота-онангга қандай муомала қилган бўлсанг, фарзандларингдан ўша муомалани кут».

Раҳмон ибн Самок насиҳати: «Хушфеъл одам доимо роҳатда бўлади, уйқусида ҳам қўрқмайди. Чунки инсон бедорликда нимани одат қилган бўлса, уйқусида ҳам ўшани кўради».

Парвиз насиҳати: «Таъмагир бўлмаслик зарурки, балоларнинг хилма-хили ана шу таъмагирлик сабабли юз беради. Одам арзимас нарсаларга ҳам жаҳлини чиқаравермаслиги керакки, кишига жаҳлдан ҳам кучлироқ душман йўқ. Чунки жаҳли чиққан одам ўзини билмайди».

Ҳинд ҳакимининг насиҳати: «Сабру чидамли одам пушаймонлик тортмайди. Кам қийналган одам кам роҳат топади. Уялиш ёшларга чирой, кексаларга айб. Ботирлик аскарларга чирой, кексаларга айб. Уч тоифа одам ҳамма назарида ёв: бахил, золим ва такаббур. Уч тоифа одамни кўрмай туриб ҳам севиш мумкин: олимни, сахийни ва одил кишини».

АРАСТУНИНГ ИСКАНДАРГА АЙТГАНЛАРИ

Искандар юнон еридан азми сафар қилиб кетар экан, ўз устози Арастуга деди: «Эй устод, менга насиҳат сўзларидан айтсангиз!» Арасту унга деди: «Доим илм ол, илм ўрганишда ҳеч ор қилма! Байт:

Илм ўрганишдан тинма ҳеч қачон,
Илмсизлик ўти куйдирар ёмон!

Иззат ва обрўйим ошсин десанг, ҳеч қачон ноҳақ ишга қўл урма! Ишларим доимо яхши ва тартибли бўлсин десанг, фақат ўз мақсадингни ўйлаб иш қилма! Ўз айбингни билишга интил, чунки айбли одам ҳар ерда ожиз бўлади. Ҳамма ерда фикр ва тадбир юзасидан иш тут, айбингни огоҳ қилган кишиларга ғазаб қилма».

Арасту шу насиҳатларни айтиб, Искандар билан хайрлашди.

Эй ўғлим, агар сен дунёда бахту саодат топай десанг, менинг бу панд-насиҳатларимга амал қилиб, шу асосда иш тут. Сен қанчалик доно бўлмагин, ўзингни доно дея тасаввур қилма, шунда яна ҳам донороқ бўласан. Нима билсанг, уни бошқаларга ўргат, аммо илмни ўз жойида ишлатишни бил. Сўзни қисқа гапир, бекўда такрор қилмагинки, такрор—умрни бекўда сарф қилишдир. Оддий одамларга оддий гапир, донолар билан доноликка хос гаплаш, ҳар одамнинг фаҳму фаросатига мослаб гапир, одамнинг фаҳму фаросатини эса унинг гапидан билиб оласан.

Кишининг гўзаллиги либосида эмас, балки тилидадир. Ҳар нарсага адолат кўзи билан боқ, оқибат ҳақни ноҳақдан ажратишни ўрганасан. Нима эшитсанг, унга амал қилишдан эҳтиёт бўл. Ишларда ўртача йўл тут. Ҳаддан ошма! Қанчалик одам бўлмагин, барибир камтарона иш тут. Сен гавҳаринг билан эмас, балки хислатинг билан кўкрак кер.

Назм:

Ўлган билан фахр қилмагин, ўғлим,
У ўлган бўлса ҳам фанда қаҳрамон.
Тирик фахрланса гар ўлик билан,
Демак, ўлик—тирик, тирик-чи бежон!

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси

Хайрли ташаббус

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

ДУНЁДА ҲАР ҚАЙСИ КАСБ-ҲУНАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ, АҲАМИЯТИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИ БОР. АММО УЛАРНИНГ ОРАСИДА ЭНГ УЛУҒ ВА ШАРАФЛИСИ — БУ ЎҚИТУВЧИЛИК КАСБИДИР. ЧУНКИ МУАЛЛИМ ҲАР БИР ИНСОНГА САБОҚ БЕРАДИ, АҚЛ-ИДРОКИНИ ЮКСАЛТИРАДИ, ҲАЁТ ИЛМИНИ ЎРГАТАДИ.

Шу боис юртимизда мактаб таълимини ривожлантириш ва янада юқори босқичга кўтариш, унинг жаҳон андозаларига мос келиши йўлида бутун куч ва имкониятлар ишга солинмоқда. Маълумки, мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларда, хусусан «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этишда муаллимларнинг ҳиссаси ниҳоятда катта бўлмоқда. Ушбу дастур мактаб таълим-тарбия тизимини ўзгартирибгина қолмасдан, балки янги авлодни тарбиялашда ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Айни кунларда шаҳримиздаги ўрта умумтаълим мактаблари ўқитувчиларидан бир гуруҳи мактабларнинг барча муаллимлари ҳамда ота-оналарга очиқ хат йўллашганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Унда жумладан шундай дейилган: «Инсон қалби ва онги учун кураш бораётган ҳозирги мураккаб замонда биз муаллимларга юксак маънавиятли, эркин фикрли, Истиқлол ғояларига фидойи, қалбида ватанпарварлик туйғулари жўш уриб турган ёшларни тарбиялашдек масъулиятли вазифа юклатилган. Ва ушбу вазифани амалга оширишда биз ҳамиша давлатимиз раҳбарининг кенг кўламли ёрдамини сезиб турибмиз. «Ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларимизни, мўътабар мураббийларни бундан буён ҳам бошимизда кўтарамиз»,— деб кўп бора таъкидлайди Юртбошимиз. Муҳтарам Президентимизнинг бу сўзлари ўз умрини ёш авлод тарбиясига бағишлаб келаётган ҳурматли ўқитувчиларимиз ва мураббийларимиз қалбида ўз касбларидан чуқур фахрланиш ва мамнуният ҳис- туйғуларини уйғотиши шак-шубҳасиздир.

Маълумки, мамлакатимизда мактаб таълимининг моддий-техник асосларини замонавий талаблар даражасига кўтаришга катта эътибор қаратилган. Ҳар йили кўплаб янги мактаблар қад кўтарялти. Мактаблар таълим учун зарур бўлган энг замонавий жиҳозлар билан қуроллантирилмоқда, ёппасига компьютерлаштириш дастурлари амалга оширилмоқда. Эски дарсликлар, қўлланмалар ўрнини танлов асосида яратилган янги, замонавий тафаккурли дарсликлар,қўлланмалар эгалламоқда. Мактабларимизда ҳозирги кун талаблари билан бевосита боғлиқ бўлган, ҳуқуқий,иқтисодий, тадбиркорлик билимларини ривожлантирувчи дарслар жорий қилинди ва янгилари татбиқ этилмоқда. Таълимда ҳал қилувчи куч — бу ўқитувчилар ва тарбиячилар бўлгани учун ҳам юз бераётган бундай оламшумул ўзгаришлар сиз ва биздан ўз касбимизга янада садоқатли бўлишни, ҳар бир ўқувчини ўз фарзандимиздек севишни, ўз устимизда мунтазам ишлаб, ҳаёт билан ҳамнафас қадам ташлашни тақозо қилмоқда. Биз аминмизки, бундай талабларни адо этиш ва ўз вазифамизга ўта масъулият ҳамда билимдонлик билан ёндашиш қўлимиздан келади. Чунки миллатимиз, халқимизнинг келажагини заковатли, баркамол инсонлар билан таъминлаш, миллатимиз генофондини сақлаб қолиш сиз ва бизнинг қўлимиздадир. Қадрли устозлар! Янги тарихий босқичга кўтарилаётган жамият янги тафаккурли, янгича ишлаш қобилиятига эга бўлган ўз мураббийлари бўлишини тақозо этмоқда. Давлатимиз бу жабҳада кенг кўламли ишларни олиб бормоқда. Бироқ бу муаммоларни ечишнинг кўп жиҳати бевосита сиз ва бизнинг саъй-ҳаракатларимизга, фидойилигимиз, изланиш ва интилишимизга боғлиқ. Биз ҳамиша жамиятнинг илғор аъзолари сифатида олдинда одимлаб,ўз ақл-идрокимиз, мураббийлик истеъдодимиз билан маънавият чароғбони бўлиб келганмиз. Бундан кейин ҳам машаққатли ва фахрли ўз вазифаларимизни шараф билан уддалашга ишончимиз комил. Чунки келгусида жамиятнинг қандай даражада бўлиши, жумладан ўқитувчилар ва мураббийларимизнинг, сизу бизнинг инсоний ҳамда комиллик даражаларимизга узвий боғлиқдир. Ана шундагина муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшларимиз биздан кўра кучли, билимли доно ва албатта бахтли бўлишлари учун ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз».

Ўйлаймизки, шаҳримизнинг барча ўқитувчи-мураббийлари, ота-оналар юқоридаги фикрларни қўллаб-қувватлашади. Зеро, юксак тафаккурли, янгича фикрлайдиган ва ишлайдиган мураббийлар ҳар томонлама баркамол инсонларнинг етишиб чиқишида албатта муҳим ўрин тутади.

БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни ҳам айтиш жоизки, бакалаврларимиз орасидан 52 нафар битирувчи имтиёзли диплом олишга муваффақ бўлди. Албатта, битирувчиларимиз келгусида етук мутахассис бўлиб етишиб, халқимиз саломатлигини сақлашда муносиб ҳисса қўшадилар, деб умид қиламиз.

Шодиёна ўтган тадбир ниҳоясида битирувчилар ҳам сўзга чиқиб қалбларидаги қувонч, фахр-ифтихор туйғуларини, устозларига бўлган миннатдорликларини изҳор этдилар. Биз ҳам битирувчи ёшларнинг дил сўзларини тинглаш учун уларни суҳбатга тортдик.

● Гўзал АБЗАЛОВА, тиббий радиология мутахассислиги бўйича битирувчи магистрант:

— Мен бугун ниҳоятда хурсандман. Негаки, орзу-мақсадларимга етиб шу муқаддас даргоҳда билим олиб, мана ниҳоят қўлимга диплом тегди. Бу кунни жуда орзиқиб кутган эдим. Устозларимизга ҳам минг раҳмат. Бизга етарли билим бериб, шифокорлик сирларини тўлиқ ўргатишди. Эндиликда олган билимларимизни амалда ўз иш фаолиятимизда намоён этиб, ўз малакамизни оширишимиз, халқимиз саломатлигини асрашда муносиб ўлуғ қўшишимиз керак.

● Шуҳрат БОБОЖОНОВ, юқумли касалликлар мутахассислиги бўйича битирувчи магистрант:

— Шундай нуфузли ўқув даргоҳида таълим олганимдан фахрланаман. Мана бугун қўлимизга диплом олдик. Орзуларимнинг бир қисмига эришдим. Бундан ниҳоятда хурсандман. Мақсадим келгусида кафедрада қолиб илмий ишимни давом эттириш, ўз тажрибам ва билимимни бойитишдан иборат.

● Муаззам АҲМАДЖОНОВА, олий маълумотли ҳамшира факультети битирувчиси:

— Мен академиянинг олий маълумотли ҳамшира факультетини тамомлаб имтиёзли диплом олишга муваффақ бўлдим. Бу мен учун катта шараф, ишонч албатта. Бундан жуда хурсандман. Бу ишончни оқлаш мақсадида келгусида магистратурада ўқишни давом эттириш ниятидаман. Шуни ҳам айтмоқчиманки, биз ёшларга билим олишимиз, етук мутахассис бўлиб етишишимиз учун яратилаётган кенг имкониятлар, шарт-шароитлар учун аввало Юртбошимизга, қолаверса устозларимизга чексиз миннатдорчилик билдирамиз.

Шу куни битирувчи ёшларнинг кўплаб мана шундай дил сўзларини тинглаб, уларнинг қалбларида она Ватанга муҳаббат, Юртбошимизга, устозларига бўлган ҳурмат ва садоқат туйғуларини ҳис этдик. Ўйлаймизки, ушбу кун битирувчи ёшлар қалбида бир умр ўчмас из қолдиради.

Дилором ИКРОМОВА,
Қутбиддин НИЗОМОВ
СУРАТДА: Тошкент Тиббиёт академиясида битирувчиларга дипломлар топшириш маросимидан лавҳа.
Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

ИЛМ — КАМОЛОТ КАЛИТИ

БИР ДАВРАДА МАЪРИФАТПАРВАР АЖДОДЛАРИМИЗДАН САИДКАМОЛХОН ДОМЛА ҚАҲҲОРОВНИНГ ЎТГАН АСРНИНГ БОШЛАРИДА ТОШКЕНТДАН ПЕТЕРБУРГГА БОРИБ, УНИВЕРСИТЕТДА ТАЛАБАЛАРГА САБОҚ БЕРГАНИНИ ЭШИТИБ ҲАЙРАТЛАНГАН ЭДИМ. ОРАДАН БИР НЕЧА ЙИЛ ЎТИБ РЕСПУБЛИКА ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ КЛИНИКАСИ БОШ ШИФОКОРИ ШУҲРАТ ТУРСУНОВ БИЛАН СУҲБАТЛАШИБ ЎТИРГАНДИК, САИДКАМОЛХОН ДОМЛА ҲАҚИДА ГАП ОЧИЛИБ ҚОЛДИ.



— У кишининг авлодлари бор, — деди Шуҳрат ака. — Бир набираси менинг қадрдоним бўлади, истасангиз таништириб қўяман.

Шу баҳона-сабаб маърифатли сулоладан бўлмиш техника фанлари доктори, профессор Азмиддин Садриддинов билан танишдим, мароқли суҳбатларидан, хотираларидан баҳраманд бўлдим ва дастлаб унинг ўзи, ибратли фазилатлари ҳақида ёзишга, бобоси тарихини эса кейинроқ батафсил қоғозга туширишга қарор қилдим. Чунки бир забардаст олим элликка яқин ихтиролари, ўн бешта ўқув-услубий адабиётлари билан қишлоқ хўжалик машинасозлиги фанига беҳисоб ҳисса қўшган, тўрт нафар фан доктори, йигирма нафар фан номзоди етиштирган экану биз мухбирлар у ҳақда жуда кам ёзган эканмиз.

Яқинда Тошкент Давлат техника университети жамоаси ўз устозларига эҳтиром рамзи сифатида Азмиддин Садриддиновичнинг етмиш йиллик ҳаёт йўли, илмий, тарбиявий фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи қарийб қирқ бетлик китобчани нашр эттирибди. Мен эса унинг табиати, эътиқоди хусусида тўхталмоқчиман.

Азмиддин ака табиатан илмпарвар, шогирдпарвар, бағрикенг инсон. Буни ўзи туғилиб, вояга етган пойтахтимиздаги «Катта боғ» маҳалласидан бошлаб, мамлакатимизнинг деярлик барча ҳудудларидаги юзлаб-минглаб шогирдлари мисолида ҳам англашимиз мумкин. Азмиддин ака илмга иқтидори, иштиёқи бор, зеҳнли болани кўрдими ёки унга дуч келиб қолдими, албатта ундан ёрдамини аямайди. Оқилона маслаҳатлар, йўналишлар, беминнат кўмак, хато қилиб қўйса танбеҳ-дашномлар беради, мақсад — шу ёш ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топиб кетсин. Унинг раҳбарлигида фан доктори ёки номзоди бўлган шогирдларининг географиясига, ижтимоий аҳволига назар ташласангиз, домла учун бош мезон— илм толибининг қобилияти, изланувчанлиги, қалби тозалиги эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу фикр халқ хўжалигининг турли соҳаларида, катта-кичик маъмурий лавозимларда меҳнат қилиб келаётган, уни устозим деб атайдиган шогирдларига ҳам тааллуқли.

— Олим учун, жумладан, устозликни зиммасига олган одам учун энг муҳими фидойи, камтар, жонкуяр, бағрикенг, ҳалол, ҳою ҳавасдан, таъмадан йироқ, ўрни келганда қаттиқ қўл бўлишдир, — дейди у. — Ўз манфаатидан давлат, жамият манфаатини устун қўя олмаган кишидан фан ҳам, элу юрт ҳам наф кўрмайди. Билингки, ундай олимнинг илми юзаки, юраги кибрли, шогирдлари ҳавойи.

Домланинг гаплари рост. Ҳаётга назар ташласангиз шогирд устозидан нафақат илм, балки унинг табиатидаги оқ-қора хислатларни ҳам олади. Яъни унинг олим ва инсон бўлиб камол топиши устозига боғлиқ.

Илмда закий ва изланувчан Азмиддин Садриддиновнинг маҳалласидан бошлаб, жамоасида, агар сафарга чиқиб қолса, мамлакатимизнинг барча бурчакларида юзи ёруғлигининг боиси ҳаётда ҳалол, бетакъма ва одиллигидир. Бу ҳам ибрат бўларли фазилат, албатта.

Бутун умрини, иқтидорини фан-техникага бағишлаган Азмиддин аканинг шахсий ҳаётига ҳам ҳавас қилса арзийди. Том маънода маърифатли бўлган бу оила соҳибаси Муяссар опа филология фанлари номзоди, доцент, ўғли Баҳодир ота касбини танлаган — техника фанлари номзоди, қизи Умида эса шифокор. Бирин-кетин улғайиб келаётган набиралар эса олти нафар. Ажаб эмаски, маърифатли сулоланинг кенжа авлодидан келажакда боболари Саидкамолхон домла Қаҳҳоров, Азмиддин Садриддинов каби алломалар етишиб чиқса.

Тилак ҳам — шу!

Тоҳир ДОЛИЕВ

